

Рамазонда хайрия тадбирлари Жидда шаҳридаги ёшлар учун катта тажриба бўлмоқда



12:20 / 22.04.2021 1740

Саудия Арабистонидаги Жидда шаҳрида кичик бир гуруҳ бундан беш йил аввал камбағал ва муҳтожларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун ташаббус кўрсатган эдилар.

Тўлиқ кўнгилли ёшлардан ташкил топган жамоалар билан «Live to Give» хайрия ташкилоти Рамазон ойида кунига ўртача 25000 та овқат тарқатишни мақсад қилган.

Бу йил шаҳар бўйлаб етказиб бериш Жидданинг 35 та тумани учун озиқ-овқат маҳсулотлари, асосий уй-рўзфор буюмлари, кийим-кечак ва болалар учун Рамазон ҳайит совғаларини ўз ичига олади.

«Биз коронавирус туфайли бу йил овқат тарқатадиган бир неча гуруҳлардан бири бўлганимиз учун жуда банд бўлдик», дейди лойиҳа асосчиси ва координатори Вид Энани. — Биз кўнгиллилар жамоасини, тарқатиш доирасини ва қутилар сонини кенгайтиришимиз керак эди. Бу хайрияни режалаштириш Рамазон ойидан икки ҳафта олдин бошланган. Ҳар куни соат 16:00 да барча кўнгиллилар транспорт воситаларига овқат ва қутиларни юклаш учун йиғилишади. Сўнгра улар тўрт жамоага бўлиниб, ифтордан олдин кўрсатилган манзилларга жўнаб кетишади. Хайрияни бошлаганимизда кўмак беришга тайёр бўлган шунча кўнгиллилар борлигини кутмаган эдик. Бундан жуда хурсандимиз.

Исмини ошкора этмаган саудиялик супермаркет эгаси уларни рағбатлантирган ва гуруҳга 40 минг Саудия риали (10 666 доллар) миқдоридagi купонларни берди. Бу хайрия маҳаллаларда яшовчи камбағаллар учун озиқ-овқат саватларини янада кўпайтиришга кўмак берган.

«Баъзи маҳаллаларда яшаш ҳолати нақадар ёмонлигини кўриб ҳайратга тушдик», дейди Энани хоним. — Биз 10 кишилиқ битта хонадандан иборат уйларга ташриф буюрдик. У ерда агар бир одам касал бўлиб қолса, қолган барчаси охир-оқибат касал бўлиб қолади.

Бир неча эсда қоларли воқеаларни эслаб, Энани хоним Ҳайит кунлари ҳақида сўзлаб берди: «Ҳайит байрамига совғалар тарқатаётганимизда болалар қувончдан сакраб тушаётганларини кўрганингизда эди. Уларни кимдир эслаганидан жуда хурсанд, кимдир ғамхўрлик қилар эди ва бу улар учун жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу дақиқалар гуруҳни ҳар йили кўпроқ нарсаларга эришишга ундайди».



Кўнгилиллардан бири 18 ёшли Абдулло: «Мен уларнинг ишларини ижтимоий тармоқларда кўрдим ва уларга қўшилишдан жуда хурсанд бўлдим», дейди. — Биз муҳтожларга жисмонан ёрдам берамиз ва уларнинг юзларида табассумни кўраяпмиз, айниқса ёш болаларда. Бу энг яхши туйғу деб ҳисоблайман.

Абдулло ва унинг дўстлари баъзида ёш болалар билан футбол ўйнаш учун камбағал маҳаллаларда қолиб кетишади.

«Бу жуда ҳам қизиқарли», дейди у.

Саудия Арабистонида яшовчи Буюк Британия фуқароси Лана Иқбол Рамазон ойида овқат ва сув тарқатиш учун кўчаларга чиққан ёш саудияликлардан илҳомланган.

«Бу Рамазон ойида ва Саудия Арабистонида яшашни яхши кўрадиган нарсаларимдан бири», дейди Лана ўз интервьюсида.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи